Қорақалпоғистон Республикаси  
Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази  
бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди.

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи

2011 йил 17 ноябрь

№ 311

Тошкент шаҳри

Тиббий оғоҳлантиришлар ва оғоҳлантирувчи  
ёзувлар матнини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида" 2011 йил 5 октябрдаги ЎРҚ-302-сонли Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н**

1. Ўзбекистон Республикасининг "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида" 2011 йил 5 октябрдаги ЎРҚ-302-сонли Қонуни ижро учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар:

- алкоголь идишининг ёрли-

ғида жойлаштирилладиган тиббий оғоҳлантириш матни 1-иловага;

- тамаки маҳсулотининг қутисида (ўровида) жойлаштирилладиган тиббий оғоҳлантириш матни 2-иловага;

- тамаки маҳсулотининг қутисида (ўровида) жойлаштирилладиган тиббий оғоҳлантириш матнига талаблар 3-иловага;

- алкоголь маҳсулотлари реализация қилинадиган жойлардаги оғоҳлантирувчи ёзувлар матнлари 4-иловага;

- тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган жойлардаги оғоҳлантирувчи ёзувлар матнла-

ри 5-иловага;

- алкоголь ва тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган жойлардаги оғоҳлантирувчи ёзувлар матнлари 6-иловага;

- алкоголь ва тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган жойлардаги оғоҳлантирувчи ёзувлар жойлаштирилладиган плакатларга талаблар 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирликнинг ДПЭТББ бошлиғи Д. Мирзимов ва СЭНББ бошлиғи Л. Туйчиевга:

- алкоголь идишининг ёрлиғида тиббий оғоҳлантириш матнини жойлаштириш учун "Ўзвин-

пром-холдинг" компаниясига;

- тамаки маҳсулотининг қутисида (ўровида) тиббий оғоҳлантириш матнини жойлаштириш учун "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати" уюшмасига;

- тиббий оғоҳлантиришлар матнларини алкоголь ва тамаки маҳсулотларига тегишли стандарт ва техник регламентларига кириштириш учун Ўзстандарт Агентлигига ушбу буйруқнинг нусхаси ўз вақтида тақдим этилишини таъминласин ва уларнинг ижроси натижалари ўрганилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг

«Ўзмединфо» маркази директори М. Баймухамедовга ва «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси бош муҳаррир ўринбосари И. Соатовга:

- ушбу буйруқ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг веб-сайти ва «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасида белгиланган тартибда жойлаштирилсин.

5. Мазкур буйруқ ижроси назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А. Алимов зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**А. ИКРАМОВ.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 17 ноябрдаги 311-сонли буйруғига 1-илова

**Алкоголь идишининг ёрлиғида жойлаштирилладиган тиббий оғоҳлантириш МАТНИ**

Алкоголь маҳсулотининг ҳар бир идиши ёрлиғида тиббий оғоҳлантириш матни Ўзбекистон Республикасининг давлат ва рус тилларида жойлаштирилади:

"Alkohol mahsulotlarini me'yordan ortiq iste'mol qilish inson asab tizimi va ichki a'zolarining og'ir kasalliklariga olib keladi. Злоупотребление алкогольной продукцией приводит к тяжелым заболеваниям нервной системы и внутренних органов".

Изоҳ: тиббий оғоҳлантириш матни беш йилда бир марта қайта кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 17 ноябрдаги 311-сонли буйруғига 2-илова

**Тамаки маҳсулотининг қутисида (ўровида) жойлаштирилладиган тиббий оғоҳлантириш МАТНИ**

Тамаки маҳсулотининг ҳар бир қутисида (ўровида) тиббий оғоҳлантириш матни Ўзбекистон Республикасининг давлат ва рус тилларида жойлаштирилади.

1. Қутининг (ўровнинг) олди томони юзасида қуйидаги асосий тиббий оғоҳлантиришлардан бири:

"Chekish insonni o'ldiradi.

Курение убивает человека" ёки

"Chekish umringizni qisqartiradi.

Курение сокращает жизнь" ёки

"Chekish siz va atrofigingizdagilar sog'lig'i uchun jiddiy zarar yetkazadi.

Курение наносит серьёзный вред вашему здоровью и здоровью окружающих".

2. Қути (ўров) орқа томонининг юзасида қуйидаги қўшимча тиббий оғоҳлантиришлардан бири:

"Chekish o'pka rakiga olib keladi.

Курение вызывает рак лёгких" ёки

"Homiladorlik paytida chekish farzandingiz sog'lig'i uchun zarar.

Курение во время беременности вредит вашему ребёнку" ёки

"Bolalaringizni asrang: ularni tamaki tutunidan nafas olishiga yo'l qo'ymang.

Защитите детей: не заставляйте их дышать табачным дымом" ёки

"Chekish tamakiga kuchli qaramlikni chaqiradi.

Курение вызывает сильную никотиновую зависимость".

Юқорида келтирилган тиббий оғоҳлантиришлар бир-бири билан мунтазам равишда алмашилиб туриши лозим. Оғоҳлантиришлар чакана савдода қўлланадиган қўшимча шаффоф ўровлардан бошқа ҳар бир қутининг (ўровнинг) энг яхши кўринадиган жойига чоп этилиши лозим.

Изоҳ: тиббий оғоҳлантириш матни беш йилда бир марта қайта кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 17 ноябрдаги 311-сонли буйруғига 3-илова

**Тамаки маҳсулотининг қутисида (ўровида) жойлаштирилладиган тиббий оғоҳлантириш матнига талаблар**

1. Оғоҳлантириш матнлари қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

\* матннинг шрифти Helvetica форматада бўлиши лозим;

\* матн қора рангда ва оқ фонда чоп этилиши лозим;  
\* матн кичик ҳарфда ёзилиши лозим. Матннинг биринчи сўзидаги бош ҳарфи ва имло қоидалари талаб қиладиган сўзларда катта ҳарф ишлатиш бундан мустасно;

\* оғоҳлантириш қутининг (ўровнинг) юқори қиррасига (четига) параллель равишда матн жойлаштирилладиган юзанинг марказий қисмига чоп этилиши лозим;

\* матн қора рамканинг ичига жойлаштирилиши, шунингдек, рамка оғоҳлантирувчи матнни тўсиб қўймаслиги лозим. Рамка чизигининг қалинлиги 3 мм.дан кичик ва 4 мм.дан катта бўлмаслиги лозим.

2. Матни алоҳида қутининг (ўровнинг) акциз маркасига жойлаштириш мумкин эмас.

3. Матни шундай жойлаштириш лозимки, қутини (ўровни) очганда уни олиб ташлаш мумкин бўлмасин. Шунингдек, қутини (ўровни) очганда матн бошқа ёзувлар билан тўсиб қўйилмасин, сурилмасин ёки узилиб қолмасин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 17 ноябрдаги 311-сонли буйруғига 4-илова

**Алкоголь маҳсулотлари реализация қилинадиган жойлардаги оғоҳлантирувчи ёзувлар МАТНИ**

Алкоголь маҳсулотлари реализация қилинадиган ҳар бир жойда қуйидаги оғоҳлантирувчи ёзувлар матни Ўзбекистон Республикасининг давлат ва рус тилларида жойлаштирилади.

1-плакатга жойлаштирилладиган оғоҳлантирувчи ёзувлар матни:

"Yigirma yoshga to'lmagan shaxslarga alkohol mahsulotlarini sotish taqiqlanadi.

Запрещается продажа алкогольной продукции лицам, не достигшим двадцатилетнего возраста".

2-плакатга жойлаштирилладиган оғоҳлантирувчи ёзувлар матни:

"Alkohol mahsulotlarini me'yordan ortiq iste'mol qilish sizning sog'lig'ingizga jiddiy zarar etkazadi.

Злоупотребление алкогольной продукцией наносит серьёзный вред вашему здоровью".

Изоҳ: оғоҳлантирувчи ёзувлар беш йилда бир марта қайта кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 17 ноябрдаги 311-сонли буйруғига 5-илова

**Тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган жойлардаги оғоҳлантирувчи ёзувлар МАТНИ**

Тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган ҳар бир жойда қуйидаги оғоҳлантирувчи ёзувлар матни Ўзбекистон Республикасининг давлат ва рус тилларида жойлаштирилади.

1-плакатга жойлаштирилладиган оғоҳлантирувчи ёзувлар матни:

"Yigirma yoshga to'lmagan shaxslarga tamaki mahsulotlarini sotish taqiqlanadi.

Запрещается продажа табачной продукции лицам, не достигшим двадцатилетнего возраста".

2-плакатга жойлаштирилладиган оғоҳлантирувчи ёзувлар матни:

"Tamaki mahsulotlarini iste'mol qilish siz va atrofdagilar sog'lig'i uchun zarar.

Употребление табачной продукции вредит вашему здоровью и здоровью окружающих".

Изоҳ: оғоҳлантирувчи ёзувлар беш йилда бир марта қайта кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 17 ноябрдаги 311-сонли буйруғига 6-илова

**Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган жойлардаги оғоҳлантирувчи ёзувлар МАТНИ**

Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган ҳар бир жойда оғоҳлантирувчи ёзувлар матни Ўзбекистон Республикасининг давлат ва рус тилларида жойлаштирилади.

1-плакатга жойлаштирилладиган оғоҳлантирувчи ёзувлар матни:

"Yigirma yoshga to'lmagan shaxslarga alkohol va tamaki mahsulotlarini sotish taqiqlanadi.

Запрещается продажа алкогольной и табачной продукции лицам, не достигшим двадцатилетнего возраста".

2-плакатга жойлаштирилладиган оғоҳлантирувчи ёзувлар матни:

"Alkohol mahsulotlarini me'yordan ortiq iste'mol qilish sizning sog'lig'ingizga jiddiy zarar etkazadi.

Злоупотребление алкогольной продукцией наносит серьёзный вред вашему здоровью".

3-плакатга жойлаштирилладиган оғоҳлантирувчи ёзувлар матни:

"Tamaki mahsulotlarini iste'mol qilish siz va atrofdagilar sog'lig'i uchun zararli.

Употребление табачной продукции вредит вашему здоровью и здоровью окружающих".

Изоҳ: оғоҳлантирувчи ёзувлар беш йилда бир марта қайта кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 17 ноябрдаги 311-сонли буйруғига 7-илова

**Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган жойлардаги оғоҳлантирувчи ёзувлар жойлаштирилладиган плакатларга талаблар**

Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган жойлардаги оғоҳлантирувчи ёзувлар жойлаштирилладиган плакатларга талаблар қуйидагилардан иборат:

1. Плакатнинг формати А3 дан (297мм x 420 мм) кичик бўлмаслиги лозим.

2. Матннинг шрифти Impact форматада бўлиши лозим.

3. Алкоголь маҳсулотлари реализация қилинадиган жойдаги плакат матн ҳарфларининг бўйи 25 мм, эни 15 мм.дан (90 кегель) кичик бўлмаслиги керак.

4. Тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган жойдаги плакат матн ҳарфларининг бўйи 25 мм, эни 15 мм.дан (90 кегель) кичик бўлмаслиги керак.

5. Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган жойдаги:

\* 1-плакат матн ҳарфларининг бўйи 25 мм, эни 15 мм.дан (90 кегель) кичик бўлмаслиги керак;

\* 2-плакат матн ҳарфларининг бўйи 25 мм, эни 15 мм.дан (90 кегель) кичик бўлмаслиги керак;

\* 3-плакат матн ҳарфларининг бўйи 25 мм, эни 15 мм.дан (90 кегель) кичик бўлмаслиги керак.

6. Матн қора рангда ва оқ фонда чоп этилиши лозим.

7. Матн кичик ҳарфда ёзилиши лозим. Матннинг биринчи сўзидаги бош ҳарфи ва имло қоидалари талаб қиладиган сўзларда катта ҳарф ишлатиш бундан мустасно.

8. Плакатлар полдан камида 160 см баландликда кўринадиган жойга жойлаштирилиши лозим.

## Конспект врача

## ДИАГНОСТИКА И ЛЕЧЕНИЕ АЛЛЕРГИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ

**В последние годы отмечается рост распространенности аллергических болезней среди взрослых и детей. Выявляются новые факторы, обуславливающие распространение этой патологии, совершенствуются методы диагностики и лечения аллергических заболеваний.**

В лечении аллергических заболеваний стали применяться новые методы противорецидивной терапии и специфической иммунотерапии. Достижения клинической аллергологии приходятся в основном на последние годы и поэтому они не нашли должного отражения в крупных работах, изданных в нашей стране.

Подходы к диагностике и лечению аллергических заболеваний в США и Узбекистане несколько различны. В последние годы появились новые данные по патогенезу некоторых заболеваний и новые лекарственные средства. Именно поэтому в руководстве введен ряд дополнений для врача ВОП, а сведения по аллергическим заболеваниям представлены кратко для быстрой ориентации.

В стандартах использована Международная классификация болезней десятого пересмотра (МКБ-10), которая введена в нашей стране с 2004 г.

Стандарты включают: наименование заболевания, определение, основные симптомы, физикальный статус диагностических исследований, лечебные мероприятия в стационарах и в амбулаторно-поликлинических условиях. Шифр по МКБ-10. Клинические рекомендации (протоколы) будут регулярно пересматриваться и обновляться не реже одного раза в 3-4 года. Надеемся, что эта «рекомендация» станет настольной книгой для врачей общей практики и других специалистов, имеющих дело с больными, страдающими аллергическими заболеваниями.

**Аллергия пищевая**

Пищевая аллергия – регулярно возникающие симптомы, связанные с употреблением определенных продуктов и обусловленные реакциями гиперчувствительности. Истинную пищевую аллергию выявляют примерно у 2% взрослых и 4% детей.

**Этиология:**

Аллергическую реакцию может вызвать любой пищевой продукт. Наиболее часто аллергию вызывают так называемые облигатные аллергены: коровье молоко, яичный белок, рыба, моллюски, а также арахис, лесные орехи, яблоки и др. Аллергены рыбы при кулинарной обработке могут попадать в воздух, вызывая респираторные синдромы (от ринита до приступов бронхиальной астмы).

Аллергию на пищевые продукты часто наблюдают у больных поллинозом при аллергии на пыльцу соответствующих растений: пыльца лещины – лесные орехи, семена подсолнуха – халва; пыльца культурных злаков (пшеница, рожь, овес) – мука и крупы, хлопья и т.д.

Некоторые продукты могут вызвать псевдоаллергические реакции.

**Причины:**

Наличие в продуктах веществ, способных напрямую вызывать высвобождение гистамина из тКл (гистаминолибераторы): шоколад, клубника, некоторые виды рыбы (тунцовые, скумбрия), помидоры, яйцо, шпинат, некоторые пищевые добавки. Наличие в продуктах гистамина или других подобных веществ: шоколад, бананы, томаты, некоторые виды рыбы (тунцовые, скумбрия), отдельные сорта вин, клубника, перец.

Реакция на некоторые продукты (мясо птицы, молоко) у больных с лекарственной аллергией может быть связана с наличием в них антибиотиков.

**Факторы риска:**

Атопический фенотип.  
Сопутствующие заболевания ЖКТ (патология печени и желчевыводящих путей, дисбактериоз кишечника).

**Диагностика:**

Тщательный сбор аллергологического анамнеза позволяет выявить взаимосвязь появления симптомов и употребления того или иного пищевого продукта.

Постановка кожных проб с пищевыми аллергенами – для подтверждения диагноза IgE-опосредованной реакции гиперчувствительности немедленного типа.

Радиоаллерго-сорбентный тест предназначен для выявления специфических АТ(IgE) к Ag определенных продуктов.

Наиболее достоверно для подтверждения пищевой аллергии ведение пищевого дневника, а также проведение элиминационного и провокационного тестов. Ежедневно регистрируют наличие симптомов и их связь с употреблением определенных продуктов (пищевой дневник).

Элиминационный тест: пищевой продукт удаляют из диеты на 1-2 нед.

Если симптоматика на фоне ограничения диеты исчезает либо возникает заметное улучшение, под наблюдением врача проводят пероральную пищевую провокационную пробу. Большинство аллергических реакций возникает в течение 0,5-2 ч после провокации, хотя возможны реакции, возникающие через 12-24 ч.

**Лечение:**

**Элиминационная диета.** Исключение предположительно аллергенного пищевого продукта – наиболее эффективный способ лечения пациентов с пищевой аллергией. При наличии в семье больного бронхиальной астмой с аллергией на рыбу недопустимо приготовление рыбных блюд, в связи с возможностью попадания аллергенов в воздух.

Пациентам, с выраженной аллергической реакцией в анамнезе, необходимо избегать употребления аллергенного продукта; рекомендовано всегда иметь при себе адреналин для самостоятельного введения при случайном употреблении продукта и предупреждения риска развития анафилактической реакции.

Иммунотерапия и гипосенсибилизация.

Симптоматическое лечение – см. Крапивница, Отёк ангионевротический, Дерматит атопический, Анафилаксия.

Лечение сопутствующей патологии ЖКТ.

**Меры предосторожности.** При аллергии на белок куриного яйца противопоказана иммунизация вакцинами, выращиваемыми на куриных эмбрионах (грипп, клещевой энцефалит, жёлтая лихорадка, некоторые импортные вакцины против кори, краснухи и эпидемического паротита: рувакс, рудивакс).

**Течение и прогноз:**

У большинства новорожденных пищевая аллергия проходит к 2-4 годам. Возможно повторное введение пищевого продукта в рацион (с осторожностью). Взрослым показано пожизненное исключение из рациона аллергенного пищевого продукта. См. также Крапивница. Отёк ангионевротический. Дерматит атопический. Анафилаксия.

**МКБ:**

T78.0 Анафилактический шок, вызванный патологической реакцией на пищу.

T78.1 Другие проявления патологической реакции на пищу.

T78.4 Аллергия неуточнённая.

**Анафилаксия**

Анафилаксия – острая системная реакция сенсибилизированного организма на повторный контакт с Ag, развивающаяся по I типу аллергических реакций и проявляющаяся острой периферической вазодилатацией.

Крайнее проявление анафилаксии – анафилактический шок.

**Частота:**

Лекарственный анафилактический шок развивается у 1 из каждых 2700 госпитализированных пациентов.

0,4-2 летальных исхода на 1 000 000 населения в год от анафилактического шока в ответ на укус переполоткрылых насекомых.

**Этиология:**

Приём ЛС: антибиотики (прежде всего пенициллинового ряда), белковые препараты (ферменты – тропсин, хемотрипсин; гормоны – инсулин, АКГГ), а также витамин В, НПВС, местные анестетики, препараты, используемые для иммунотерапии (аллергены, антисыворотки, иммуноглобулины, вакцины).

Яд жалящих насекомых (пчёл, ос, шершней).

Пищевые продукты (рыба, ракообразные, коровье молоко, яйцо, бобовые, арахис).

Контакт с изделиями из латекса (перчатки, катетеры).

Более редкая причина анафилаксии – физические факторы. У больных с холодной крапивницей при общем переохлаждении (например, купание в холодной воде) может развиваться клиническая картина анафилактического шока.

Иногда анафилактический шок может развиваться без видимой причины. Эпизоды могут повторяться, сопровождаясь повышением концентрации гистамина в плазме крови. В таких случаях говорят об идиопатической анафилаксии.

Генетическая предрасположенность (гиперчувствительность к определенным Ag).

**Факторы риска:**

Наличие атопических заболеваний и анафилактических реакций в анамнезе.

**Патогенез.**

Высвобождение гистамина при IgE-опосредованной дегрануляции тКл приводит к расширению периферических сосудов (прежде всего артериол), снижению периферического сопротивления, депонированию крови на периферию вследствие увеличения объёма периферического сосудистого русла и падению АД.

В отличие от анафилактических анафилактоидные реакции развиваются под влиянием неиммунных активаторов тКл, например, йодсодержащих рентгено-контрастных веществ, растворов декстранов, а также полимиксина, тубокурарина, опиатов, тиопентала, пентамидина, гидролизина, доксорубина, стилламида и др.

**Клиническая картина**

Артериальная гипотензия, обморок, шоковое состояние. Интервал между появлением признаков шока и контактом с аллергеном варьирует от нескольких секунд при инъекции аллергена или укуса насекомого до 15-30 мин при пероральном поступлении аллергена.

Тошнота, рвота, непроизвольное мочеиспускание и/или дефекация.

Зуд, гиперемия, возможны крапивница, ангионевротический отёк (кожи, подкожной клетчатки, слизистых оболочек) аллергического происхождения.

Бронхообструктивный синдром.

Судорожный синдром.

Насморк, затруднённое носовое дыхание.

Затруднение глотания (первый признак отёка гортани).

Расширение зрачков.

Тахикардия.

**Лабораторные исследования:**

Повышение содержания гистамина очень кратковременно и поэтому малоинформативно.

Увеличение концентрации триптазы (фермент тКл). Пик содержания отмечают через 30-90 мин после начальных проявлений.

**Дифференциальный диагноз:**

Анафилактические реакции, в отличие от анафилактоидных, не развиваются после первого контакта с веществом.

Вегетативно-сосудистые реакции (в отличие от анафилаксии не проявляются тахикардией, гиперемией кожи, крапивницей, ангионевротическим отёком, зудом и бронхоспазмом): брадикардия с артериальной гипотензией.

Коллаптоидные состояния, связанные с приёмом ганглиоблокаторов или других препаратов с гипотензивным эффектом.

Феохромоцитомы – у некоторых пациентов возможна парадоксальная реакция, вызванная стимуляцией В2-адрено-

рецепторов. Начальные проявления феохромоцитомы в этом случае – приступы артериальной гипотензии, сопровождающиеся тахикардией. Крапивница, ангионевротический отёк, бронхоспазм не возникают.

Карциноидный синдром.

**Лечение**

**Тактика ведения.** Необходим тщательный контроль жизненно важных показателей на протяжении всего периода лечения и спустя несколько часов после купирования анафилаксии. Клинические симптомы могут рецидивировать в течение 24 ч.

**Принципы:**

Повышение периферического сопротивления сосудов.

Восстановление объёма циркулирующей крови, нормализация кислотно-щелочного равновесия и поддержание функций жизненно важных органов.

Госпитализация в отделение интенсивной терапии и круглосуточное наблюдение показаны пациентам с анафилаксией умеренной или тяжелой степени, а также проживающим вдали от медицинских учреждений. Больным в стационаре продолжают лечение антигистаминными препаратами и глюкокортикоидами в течение 72 ч. Обязательный контроль функции почек (диурез, креатинин) для ранней диагностики шоковой почки.

Пациентам с анафилаксией от укусов насекомых после выписки показана специфическая иммунотерапия (комплекс мероприятий, понижающих чувствительность организма к аллергену путём предупреждения развития или торможения иммунологических механизмов сенсибилизации; специфическая гипосенсибилизация предусматривает выработку толерантности к аллергену путём последовательного введения его микродоз в увеличивающихся концентрациях).

Всем пациентам необходимо приобрести набор для экстренного введения адреналина и уметь пользоваться им.

**НЕОТЛОЖНАЯ ТЕРАПИЯ**

**При развитии анафилактического шока необходимо:**

1. Прекратить введение лекарственного препарата, вызвавшего анафилактический шок.

2. При внутримышечном или подкожном введении препарата в конечность наложить жгут в проксимальное место введения (25 минут). Место введения обкальвают 0,01% раствором адреналина (т.е. предварительно разведя стандартный 0,1% раствор адреналина изотоническим раствором натрия хлорида), после чего прикладывают лёд для замедления всасывания введенного препарата.

3. В конечность, свободную от жгута, ввести 0,3-0,5 мл 0,1% раствора адреналина, лучше внутривенно (если игла находится в вене), но можно ввести адреналин внутримышечно или даже 0,5 мл субlingвально (чтобы не терять времени на поиск вены). Подкожно вводить адреналин в данной ситуации не следует, т.к. местное сужение сосудов на фоне низкого АД приводит к резкому замедлению всасывания. При анафилактическом шоке адреналин является жизненно важным средством (повышает АД, устраняет бронхоспазм и отек гортани). Важно отметить, что повторное введение малых доз адреналина с интервалом 10-15 минут более эффективно, нежели однократное введение больших доз, поскольку при низких дозах препарата наступает эффект стимуляции бета-адренорецепторов сосудистой стенки (сосудосуживающих), а при более высоких дозах – преобладает стимуляция альфа-адренорецепторов (сосудорасширяющих).

**А. НАЗАРОВ,**  
д.м.н., профессор, директор  
Республиканского научно-специализированного  
аллергологического центра.

(Продолжение в  
следующем номере).



– Мама, папа, я – счастливая семья.

## Полезные советы

### БЕССОННИЦА

Перед сном полезно выпить укропного чая (1 ст. ложку свежей измельченной травы укропа залить 1 стаканом кипятка, настаивать как чай).

Если нет под рукой свежего укропа, то можно 2 ч. ложки измельченных семян укропа залить 2 стаканами кипятка, настаивать 2 часа. Пить по 0,5 стакана 3 раза в день до еды и 1 стакан на ночь.

По мнению Татьяны Трумпле, кандидата наук, ведущего научного сотрудника ВИЛАР (Всероссийский институт лекарственных и ароматических растений), укроп содержит эфирные масла, которые снимают напряжение и способствуют хорошему сну. Помимо

этого настоей травы укропа улучшает аппетит и помогает при начальной стадии гипертонической болезни, а заваренные семена укропа – хорошее отхаркивающее и ветрогонное средство.

### БОЛЬ В СУСТАВАХ

«Настой сельдерея пьешь – суставы бережешь!» – утверждает врач-фитотерапевт Светлана Огнева. Нужно 1 ст. ложку свежих, предварительно промытых и очищенных корней сельдерея залить 2 стаканами кипятка, настаивать 4 часа в теплом месте, процедить. Принимать по 2 ст. ложки настоя 2 раза в день до еды. Можно добавлять немного меда, чтобы лекарство было приятнее. Через 2-3 недели вы забудете о боли.

### ОТЕЧНОСТЬ ЛИЦА

Как быстро снять утреннюю отечность лица? Татьяна Анатольевна Коновалова, кандидат медицинских наук, заведующая клинико-диагностическим отделением московского Института пластической хирургии и косметологии, рекомендует такой рецепт: 2 ст. ложки мелко нарезанной тыквы залить небольшим количеством воды и доведите на слабом огне до однородной консистенции. Затем добавьте 1 ч. ложку меда, хорошо перемешайте, остудите до комнатной температуры. Нанесите на кожу лица на 10 минут, смойте теплой водой.

Подготовила  
Л. ВОЛОШИНА.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Бош бошқармаси шифокорлик лавозимларига ишга қабул қилишни**

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Бош бошқармаси Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган жазони ижро этиш муассасаларидаги мавжуд бўлган бўш шифокорлик лавозимларига ишга қабул қилади.

Жисмонан ва руҳан соғлом, ички ишлар идоралари сафида хизмат қилишга лаёқатли, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятларида доимий рўйхатда турган, шифокорлик дипломига эга бўлган фуқаролар мурожаат этиши мумкин.

Ишга қабул қилиш ички ишлар идоралари хизматида қабул қилиш талаблари асосида амалга оширилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 25-уй.  
Телефонлар: 291-59-02, 291-93-06.**

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси жамоаси таҳририят ҳайдовчиси Абдукарим Беркиновга волидаи муҳтарамаси  
**УМРИ** аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармаси вилоят Силга қарши кураш диспансери жамоаси диспансер бош шифокори Абдувоҳид Содиқович Содиқовга қизи  
**НАФИСАХОН**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси Навоий вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Юсуф Маликовга акиси  
**Маннон МАЛИКОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## Огоҳ бўлинг!



# МАВСУМГА ТАЙЁРМИСИЗ?

**Ҳар йили республикамызда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш учун барча соҳаларда ташкилий ишлар амалга оширилади. Бу жараён, айниқса, ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари олдида ҳам бир қатор вазифаларни юклайди. Ёнгин вақтида ажралиб чиқадиган тун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, ҳавони ифлослантиради. Ёнг ачинарлиси, ёнгинлар кўплаб инсонларнинг жароҳатланишига ва ҳатто ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлиши мумкин.**

Бунинг олдини олиш мақсадида, Миробод тумани ҳокимлигида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхона, ташкилот, муассаса ва бошқа манфаатдор идоралар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида газ ва электр энергиясидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш юзасидан кенгайтирилган йиғилишлар ўтказиб келинмоқда. Куз-қиш мавсумида тураржойларда иситиш мосламаларидан фойдаланиш ҳоллари кўпайишини инобатга олиб, газ плитасини ўзбошимчалик билан бошқа жойларга кўчириб ўтказиш, резина шланг орқали улаб ишлатиш, қўлбола ясалган электр иситиш ускуналарида фойдаланиш бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши тўғрисида аҳоли орасида тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, айни вақтда республикамыз ҳудудига кириб келётган, Эронда ишлаб чиқарилган газ иситиш печларининг меъёр талабларига жавоб бер-

маслиги, улардан фойдаланиш натижасида газ иси чиқиб, одамларни заҳарлаши мумкинлиги ҳақида ҳам оммага кенг тарзда тушунтирилмоқда. Ёнгин ортидан келиб чиқувчи салбий ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, давлат мулкани кўз қорачигидек асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Ёнгин содир бўлганда «01» рақамига кўнғироқ қилишни доим ёдда тутишимиз зарур.

Кўнғилсиз воқеаларнинг олдини олиш, ёнгин келиб чиқишига сабаб бўлувчи омилларга бепарво бўлмаслик, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш, ёш болаларни уйда назоратсиз қолдирмаслик ҳамда уларни гугурт ёки олов билан ўйнашлари қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориш, ёнгинларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

**И. МИРЗАЕВ,**  
Миробод тумани  
ИИБ ЁХБ инспектори.

## ХОТИРЖАМЛИККА НИМА ЕТСИН

**Ўлкамызга ҳадемай қиш фасли ҳам кириб келади. Кунлар эса аста-секин совуқлашиб боради. Бундай пайтларда газ босими пасайиши, инсонларда электр манбасига бўлган эҳтиёжнинг ортиши оқибатида ёнгинлар бир мунча кўпайиши авж олади. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2011 йил 21 ноябрдан 21 декабрга қадар «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда.**

Бу даврда ёнгин хавфсизлиги хизмати ҳамда маҳаллий ҳокимликлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари, ҳудудий профилактика инспекторлари ҳамкорлигида олиб бориладиган тарғибот ишларини кучайтириш, ташкилотлар, ўқув ва даволаш муассасаларида викториналар, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига оид суҳбатлар ўтказиб келмоқдамиз.

Бундан ташқари, ноқонуний қурилмаларни аниқлаш, газ ва электр мосламаларидан ноқо-

нуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олишда газ ва электр идоралари ходимларини жалб қилган ҳолда рейдлар уюштирилмоқда.

Ёнгинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олган афзал. Ёнгин хавфини сезсангиз дарҳол «01» телефон рақами орқали ёнгин ўчириш хизматида кўнғироқ қилинг.

**Х. УМАРОВ,**  
Миробод тумани  
ИИБ ЁХБ инспектори,  
сержант.

Газета  
муассиси:  
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

**Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ**  
Нашр учун масъул  
**Бош муҳаррир ўринбосари Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.  
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «!» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 6146 нусха.  
Буюртма Г-1145.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.  
Босмаҳонага топшириш вақти – 20.00.

